

Асалари - Аллоҳ таолонинг мўъжизасидир!



17:00 / 21.11.2020 5197

Қуръони Карим бошидан охиригача мўъжизаларга тўладир. Ҳар бир оятда мўъжиза бор. Ҳар бир калимасида мўъжиза бор. Ана шундай оятлардан бири:

أَمْ مَوْرَجَّش لَان مَوَاتُؤِي بِلَابِجْ لَان مِي دِخَّتْ لَان لِحْن لَان لِي كُبْرَى وَ أَوْ
نَمْ جُرْحِيَّ الْ لُدْرُكُؤْبَرْ لَبْسِي كُؤْسَافِرْتَارْمَثَل لُكْ نَمْ يَلُكْ مُثْنِ وَ شَرْعِي
ةً أَلْ كَلْدِي فَنَسَان لَلْءَافِشْ رَهِي فُهُؤْ لَأَفَلَتْ حُمْ بَارَشْ أَوْ نُؤْطَب
نُؤْرُكْ فَتِي مَوْؤَلْ

«Роббинг асаларига ваҳий юборди: «Тоғлардан, дарахтлардан ва кўтарилган ишкомлардан уй тутгин. Сўнгра ҳамма мевалардан егин. Бас, Роббингнинг осон қилиб қўйган йўлларида юргин».

Қоринларидан турли рангдаги ичимлик чиқар. Унда одамлар учун шифо бордир. Албатта, бунда тафаккур қилувчилар учун оят (белги) бордир». (Наҳл сураси, 68-69 оятлар)

Ушбу оятдаги ҳар бир калимада мўъжиза бор. Мисол учун **«Ваҳий юборди»** калимасини олайлик. Буни қарангки, асалари асал тайёрлашни, нектар йиғишни бирорта махлуқдан ўрганмас экан. Балки Аллоҳ таоло унга асални қандай тайёрлаш илмини, қобилиятини ато қилган. Роббимиз унга асал ишлаб чиқариш бўйича махсус дастурни жойлаб қўйган бўлиб, асалари ана шу дастур бўйича ҳаракатланиб, миллионлаб йиллардан бери асал ишлаб чиқаради.

«Тоғлардан, дарахтлардан ва кўтарилган ишкомлардан уй тутгин».

Ушбу гапга ҳам эътибор берайлик! Буни қарангки, асалари тоғларга ин қуриб, асал тайёрлайди, дарахтларга ин қуриб, асал етиштиради ва одамлар қўядиган ишкомларга ин қуриб, асал тайёрлайди. У ўзи қурган мазкур инларда яшайди. Нектар излаб узоқ масофаларга учиб кетса ҳам, йўлидан адашмай инига қайтиб келади. Хўш, ким уни тўғри йўлга йўллаб, ўз уйини топиб келадиган қилиб қўйди? Аллоҳ таоло эмасми?!

Илмий томондан ҳам исботландики, тиббий томондан энг фойдали асал тоғ асали экан, ундан кейин дарахтдан олинадиган асал ва сўнггида одамлар томонидан қуриладиган ишкомлардан олинадиган асал экан. Ушбу тартиб оятдаги тартибга ҳамоҳангдир.

1. Тоғлардан.
2. Дарахтлардан.
3. Кўтарилган ишкомлардан уй тутгин.

Аллоҳ таоло асаларига йўлларни бўйсундириб қўйди. У ўша йўллардан юриб, минглаб километрларга учиб бориб, нектар йиғади. Роббимиз юқоридаги оятда **«Бас, Роббингнинг осон қилиб қўйган йўлларида юргин»** деб марҳамат қилган. Асалари учун йўлларни бўйсундирган, унга ўша йўллардан юришни ўргатган, бир кунда минглаб километр масофа босадиган қилиб қўйган, унга йигирма биринчи аср технологияси ҳам ожиз қоладиган, ўхшолмайдиган мияни, юракни, тезкорликни берган Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло покдир!

Асалнинг кўплаб касалликларга шифо экани барчамизга маълум. Роббимиз юқоридаги оятда **«Қоринларидан турли рангдаги ичимлик чиқар. Унда одамлар учун шифо бордир»** деб марҳамат қилган.

Асал асаларининг қоринларида етилади. Бу ҳақиқат бугунги кунга келиб кашф этилди, Қуръони Карим нозил бўлган пайтларда бу одамларга маълум эмасди.



Ушбу расмдаги уйларга қаранг. Маълумки, олти бурчакли шакл мустаҳкам шакл ҳисобланади. Хўш, асаларига шундай шаклга эга инлар яшашни ким таълим берган? Аллоҳ таоломи ёки кўр табиатми?!

Илмий томондан исботландики, асалнинг турлари, ишлатиладиган вазифалари кўп бўлса-да, Аллоҳ таолонинг қудрати билан барчасида шифо бор. Бугун асал билан даволайдиган, юзлаб касалликларни даволашда асалдан фойдаланиладиган махсус шифохоналар бор.

Мана шу ҳақиқатларнинг ҳаммаси бизни Аллоҳ таолонинг митти махлуқи бўлган асалари ҳақида ўйлашга, тафаккур қилишга ва шу орқали Роббимизнинг қудратига, азаматига тасаннолар айтишимизга ундаши керак эмасми?! Зеро, Аллоҳ таоло юқоридаги оятнинг сўнггида **«Албатта, бунда тафаккур қилувчилар учун оят (белги) бордир»** деб марҳамат қилган.

Асаларининг ҳаёт тарзи, нектар йиғиши, узоқ масофа босиши, миясининг тезкорлиги, кўриш қобилияти, уя солиши, асални етиштириши кабилар ҳақида тафаккур қилган одам бунда Аллоҳ таолонинг борлигига, бирлигига, барча нарсага қодирлигига, биз бандаларига меҳрибонлигига далилларни топади.

Абдуддоим Каҳел мақоласи асосида

Нозимжон Ҳошимжон тайёрлади